

Тавба ва истиғфор (6-қисм)



20:10 / 02.04.2018 4913

Олдинги мақолаларимизда гуноҳи кабираларни ва улар учун тавба қилишнинг шартларини санаб ўтдик. Энди бу гуноҳлардан тавба қилмай вафот этган одамнинг қисмати қандай бўлишини кўриб чиқамиз:

1. Мўътазила фирқаси (адашган тоифа) «Гуноҳи кабиралардан тавба қилмай ўлган мусулмоннинг бошига кофирнинг тақдири тушиб, дўзахда мангу қолади, ундан чиқмайди, ҳеч ким унга шафоат қилмайди. Лекин унинг азоби кофирнинг азобидан енгилроқ бўлади», деб билишади.
2. Ҳақ гап жумҳур уламоларнинг сўзи бўлиб, гуноҳи кабиралардан тавба қилмай ўлган кимсанинг тақдири Роббига ҳавола қилинади. У Зот хоҳласа уни кечириб юборади, хоҳласа азоблайди. Агар азобласа, бу одам дўзахда абадий қолмайди.

Аллоҳ таоло кофирлар ҳақида «**Уларга шафоатчиларнинг шафоати манфаат бермайди**», деган (*Муддассир сураси, 48-оят*). Бундан тушуниладики, шафоат фақат мўминларга фойда беради.

Шафоат бир неча хил бўлиб, жумладан, қисқа ёки узоқ муддат азобланган гуноҳкор мўминларнинг дўзахдан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «...(Аллоҳ) фаришталарга уларни (гуноҳкор мўминларни) чиқаришни буюради. Уларни сажда изларидан таниб олишади. Аллоҳ Одам боласининг танасидаги сажда изларини ейишни дўзахга ҳаром қилган. Ниҳоят, уларни дўзахдан куйиб-қорайиб кетган ҳолларида чиқаришади. Сўнг уларнинг устидан «ҳаёт суви» деган сув қуйилади. **Улар худди сел оқизиғидаги уруғ униб чиққандек «униб» чиқишади...**» (*Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилишган*).

Аллоҳ мушрик ҳолида ўлган одамни мағфират қилмайди. Бироқ меҳрибон Роббимиз гуноҳкор мўминларни кечириб юборишига умид уйғотиб, «**Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмайди. Бундан бошқасини эса Ўзи хоҳлаган кишидан кечиради**», деган (*Нисо сураси, 48-оят*). Аллоҳнинг авфи осий ҳолида вафот этган мўминларга ҳам тааллуқлидир. Лекин қайси бири кўп – Аллоҳ авф қилганларми ёки қисқа ё узоқ муддат азоблаб, кейин дўзахдан чиқарганларими, бунисини била олмаймиз.

Ҳар гал йўлдан тойилиб, гуноҳга қўл уриб қўйсак, насух тавба қилишга шошилишимиз керак. Аллоҳга гуноҳи кабиралар қилиб, сўнг иймонда вафот топишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бирингиз жаннат аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан жаннат орасида бир аршин қолганида дўзах аҳлининг амалини қилади-да, унга киради», деганлар (*Баззор ривоят қилган*). Осийлик қилган, лекин мўмин ҳолида вафот этган одам қиёмат куни Аллоҳнинг авфига дохил бўлишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бирортамиз дўзахдаги бир лаҳзалик азобга ҳам чидай олмаймиз, шундай экан, узоқ муддатли азобни тасаввур қилиш ҳам қийин...

Аллоҳим, фазлинг ила бизни кечиргин!

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси